



БАЙРОН ВА ЧЎЛПОН ШЕЪРИЯТИДА ИЖОДКОР “МЕН”ИНИНГ ЗУҲУРЛАНИШИ

Умарова Махлиё Юнусовна,

*Ўзбекистон давлат жаҳон тиллар университети докторанти,
филология фанлари номзоди, доцент*

Таянч сўзлар: ижодкор шахс, биографик метод, индивидуаллик, шахсийлик, таржимаи ҳол, истеъдод.

Адабиётшуносликда ҳар қандай бадиий асар индивидуал фаолият маҳсули бўлиб, ижодда муаллифнинг ўрнини инкор этиб бўлмайди. Ижодкор шахси илмий муаммо сифатида жаҳон адабиётшунослигида ўрганилган бўлиб, бир қатор илмий ишлар қилинган. Ижодкор шахсига ёндашувда бир қанча факторлар: ёзувчининг таржимаи ҳоли, наслий хусусиятлари, индивидуаллиги, истеъдоди, услуби, адабий муҳит каби факторлар бирламчи омиллардан деб қаралади. Ижодкор фаолиятининг маҳсули саналган санъат асари нафақат бадиий ҳодиса, балки рухий, маданий, фалсафий, тарихий, диний қадриятларни ўзида мужассам этган воқелик сифатида идрок этиб келинади [3]. Асар матнида бир қарашда китобхон учун сезилмайдиган, аммо бошқалардан ажралиб турувчи муаллифнинг ўзига хос “изи”ни сезиш қийин эмас. Бу “из” ижодкор шахсига хос бир қанча хусусиятларни ўзида жамлайди. Бу каби “из”ларни ўрганиш учун китобхондан ижодкор биографиясини яхши ўрганиш талаб этилади. Демак, бадиий асарни тушунишда биографик метод муҳим роль ўйнайди. Биографик метод ёзувчи ва бадиий асар жуфтлигига асосланади. Ижодкорнинг шахсий ҳаётига, яшаган муҳитига, рухий-психологик ҳолатига, шахсий қизиқишларига, асарни ёзишга туртки берган илҳом факторларига, ижодкор лабораториясига ва шу каби қатор тарихий-индивидуал масалаларга жиддий эътибор беради [2]. Дарҳақиқат, ёзувчи ўз асарини ҳаёт тажрибасига таянган ҳолда яратади ва кўп ҳолларда асар қаҳрамонларида ҳам ўзи кўрган-билган одамларнинг характерлари, ташқи

кўринишлари, ақл-идроклари намоён бўлади. Америкалик ёзувчи Эрнест Хемингуей балиқ овига тез-тез боргани ва балиқларга қизиққани учун ҳам жаҳон адабиётида тенги йўқ, Нобель мукофотида сазовор бўлган “Чол ва денгиз” асарини яратди. Инглиз ёзувчиси Чарльз Диккенснинг болалик йиллари қийинчиликларда ўтгани ва ўша даврларни аянчли хотиралар билан эслаши заминида ижодидаги кўп асарлари болалар муаммосига бағишланди. Инглиз танқидий реализм аёл ёзувчиларидан опа-сингил Бронтеларнинг болалик чоғлари пансионатда ўтгани ва кейинчалик губернантика бўлиб хизмат қилишлари боис ўша воқеалар тасвири муҳрланган жаҳонга машҳур асарлар “Жейн Эйр” ва “Агнес Грей” асарлари дунёга келди. Замондошларининг хотирасида Абдулла Қодирий гулларнинг парваришига, гулларга шайдо экани ёзилган. Бу фазилат билан “Меҳробдан чаён” романидаги Анварнинг гулларга сув қуйиб ўстириши, парваришларига бўлган шайдолиги орасида яқинлик бор, албатта [2]. Бу каби мисолларни жуда кўплаб келтириш мумкинки, муаллиф кўз ўнгиде содир бўлган воқеаларни тасвирлаш асарга жонли тус беради.

Инглиз романтизм адабиётининг забардаст шоирларидан бўлган Жорж Байроннинг ижодида ҳам муаллиф “мен”ини кузатиш мумкин. Унинг “Чайльд Гарольднинг зиёрати”, “Дон Жуан” поэмалари бош қаҳрамонларида шоирнинг хислатлари ва ҳатто ташқи кўриниши ифода этилиб, унинг Албания, Греция, Туркияга қилган сафари таассуротлари тасвирланади. Шу боис бу асарларни кўп



адабиётшунослар биографик асарлар жумласига киритгани бежис эмасдир. Айниқса унинг “Чайльд Гарольд зиёрати” поэмасидаги бош қаҳрамон Чайльд орқали муаллиф ўзи айтмоқчи бўлган юрагидаги гапларини баён этишга мушарраф бўлди.

Байрон Гарольдни алоҳида эътибор билан таърифлаган пайтларида ҳам ижобий қаҳрамон деб қабул қилинишга нолойиқ эди. Шоир унга танқидий нуқтаи назар билан ёндашади. Байроннинг фикрига зид равишда, ўз даврининг кўплаб адабиётшунослари ва кейинчалик Гарольдда Байроннинг ижобий қаҳрамонини кўришган. Муаллифнинг Гарольдга бўлган муносабати мураккаб. Бир томондан у қаҳрамонининг индивидуаллигини қораласа, бошқа томондан Гарольднинг мустақиллигини, оқ –қорани ажратишини, унда хушомадгўйлик, очкўзлик каби фазилатлари йўқлигини оқлайди. Байрон инглизларни Испаниянинг худбин ҳисоб-китобларига асосланган иккиюзламачилик “ёрдами” ни қоралайди. Лирик қаҳрамон бефарқ кузатувчи эмас. Саёҳат давомида қаҳрамон кўз ўнгида ўз миллий мустақиллиги учун курашаётган одамлари билан Португалия, Испания табиати, Жанубий тоғлар бутун борлиқ ўз ватанидан ўзгача бўлиб юз тутди. У Испания озодлик курашчиларининг сўнгги жанглардаги жасоратидан ҳайратга тушади.

Поэма, ўз замонасининг кенг миқёсли воқеалари билан йўғрилган бўлиб, фуқаролик пафоси билан уйғунлашади. Биринчи ва иккинчи кўшиқларда халқ кўзғолони мавзуси муҳим роль ўйнайди. Шоир Испания ва Греция халқларининг озодлик ҳаракатини олқишлайди. Бу ерда оддий одамларнинг эпизодик, аммо, таъсирли тасвирлари пайдо бўлади. Биринчи кўшиқнинг эллик олтинчи қисмида Сарагосани ҳимоя қилишда иштирок этган испан аёлининг қаҳрамонлик қиёфаси яратилди:

*Her lover sinks — she sheds no ill-timed tear;
Her chief is slain — she fills his fatal post;
Her fellows flee — she checks their base
career;*

*The foe retires — she heads the sallying
host[5]*

Бу мисраларнинг ўзбек тилидаги таржимаси куйидагича:
*Севгилиси яраланса-да, кўрсатмайди кўз
ёшин сира
Бирдан унинг кўзи ўнгида қўмондон ҳам
ерга қулади
Йўқотмасдан ўзини аёл, бошқарувни
зиммага олди
Бизникилар, олга!- дея у, жасоратин
исботлаб қўйди.*

(таржима ўзимизники М.У)

Юқоридаги сатрлардан кўришиб турибдики, шоир испан аёлининг урушдаги фидойиликларини фахр билан тилга олади. Биринчи кўшиқнинг тўқсон биричи қисмини Байрон урушда ҳалок бўлмай тирик қолиб, кейин бетоб бўлиб оламдан ўтган болаликдаги дўсти Джона Уингфильдга бағишлаб ёзади. У дўстига шундай хитоб қилади:

*And thou, my friend! since unavailing woe
Bursts from my heart, and mingles with the
strain —
Had the sword laid thee with the mighty low,
Pride might forbid e'en Friendship to
complai[5]*

Ушбу мисралар ўзбек тилида шундай жаранглайди:

*Сен-чи, дўстим! –гам-алам билан
Ларзага келтириб юрагим беҳос
Гар ёвнинг ўқидан яралансанг сен
Фахрла эслардим кўз ёш билан мен
(таржима ўзимизники М.У)*

Бу сатрлар шоирнинг ўз дўсти орқали мурожаати исботидир. Агар дўсти жангда ҳалок бўлганида уни ҳамма фахр билан эслаши мумкин бўлишини баён қилади. У озодлик учун ўз жонини фидо қилган инсонларни улуғлаб, ватанга бўлган муҳаббат ҳамма нарсдан устун эканлигини мисраларда мадҳ этади. Ўз навбатида поэманинг қаҳрамони Гарольдни четлаб ўтиб, муаллиф ўз дўстига юзланади.

Байроннинг кундалигида ёзишича, у ўз саёҳатини Испаниядан сўнг Грецияда давом эттирган. Чайльд Гарольднинг ҳам навбатдаги саёҳати Грецияга бўлади. Поэманинг иккинчи кўшиғининг асосий



мавзуси ҳам Греция ва у мамлакатдаги грекларнинг туркларга қарши қўзғолони фожиали тақдирига бағишланади. Ҳар бир борган мамлакатидан олган таассуротларини маромига етказиб бадиий тарзда ифода этиб, китобхонлар ҳукмига ҳавола этди. Шоир ўзининг кундалигида ёзишича, “Чайльд Гарольднинг зиёрати” поэмаси чоп этилганидан сўнг бир куни тонгда уйғониб, машҳур бўлганини қарши олади. Ўзбек адабиётининг таниқли шоир ва ёзувчиларининг асарларини ҳам таҳлил қилиш мобайнида, муаллиф “мен”ининг асар қаҳрамонларида акс этганини гувоҳи бўлишимиз табиийдир.

“Чўлпон”, “Қаландар”, “Мирзақаландар”, “Андижонлик” сингари таҳаллуслар билан ижод этган Абдулҳамид Сулаймон ўғли – ўзбек жадид адабиётининг таниқли намояндаларидан биридир. Шоир ўзига замондош ижодкорлар билан биргаликда жадид шеъриятини шаклан ва мазмунан янгилашга муносиб ҳиссасини кўшди. Чўлпоннинг ижодий фаолияти, маълумки, ижод эркинлиги бўғилган даврларга тўғри келади. Бу эса адиб олдиға қатор ижодий муаммоларни ҳал қилиш, ғоявий-бадиий ният ижроси учун ўзгачароқ йўللарни излаш заруратини кўйди [1]. Ижтимоий дард ижодкорнинг шахсий дардиға айланмаса, ижодкор ўша дардни чинакамиға қалбидан кечирмаса, яратаётган асарлари бадиий жиҳатдан сушт, мазмунан қалб чертмайдиган ва китобхоннинг умуман эсида қолмайдиган бўлиши мумкин. Мисол учун, Чўлпон, “Шарқ” деганда буюк маънавият салтанатини ва бу маданиятни барпо этган шахслар ва даврларни тилға олади. Шоир Шарқ тарихи ва тақдирида ниҳоятда мураккаб, чигал жумбоқлар борлиги, уни очмоқ учун тайёрланиш кераклигиға ишора қилади. Бу борада шоир “Ёруғ

юлдузға” деган шеър ёзади. Бу шеърда шоирнинг нияти кўнгил ва орзулар армони тарзида акс этади, Шарқ тақдири лирик қаҳрамон ҳаёт-мамоти билан боғлиқ эканлигиға ишора қилинади. Лирик қаҳрамон юлдузға қараб хитоб қилади:

*Гўзал юлдуз, нурли юлдуз, тез сўзла,
Оталарнинг тарихдаги жафосин,
Шул хатодан афсусланиб, ёвларнинг
Эл кўксида сурган ишрат, сафосин.
Сўзла, англаб ўтгандаги турмушининг
Бутун қонли, шонли, жонли ерларин
Кўз олдимда жилваланур юрт учун,
Жонлар бериб, қонлар тўккан ерларинг [4].*

Чўлпон поэзияси халқчиллиги ва миллийлигини белгиловчи мавзу, мотив ва жиҳатлар хилма-хил. Уларни ўрганиш, таҳлил этиш жараёнида ёш авлод онгида мустақил Ватанға чексиз муҳаббат уйғотиш мумкин.

Юқоридаги мисоллар шуни кўрсатадики, инглиз шоири Байрон ва ўзбек жадид адабиётининг забардаст шоири, ёзувчи ва публицисти Чўлпон шеърларида муаллиф образлар “мен”лик олами ёрқин ифодасини топган. Икки ўлканинг шоири ижоди ўз дарду хасрати, ўз дунёқараши ва ўз орзулари билан йўғрилган. Икки сиймо асарлари бутун жаҳон китобхонлари томонидан севиб ўқилиб, бошқа тилларға таржима қилиняпти. Байрон шеърлари ўзбек шоир, ёзувчи ва таржимонлар Жуманиёз Жабборов, Ҳамид Олимжон, Мақсуд Шайхзода, Шукрулло, Муҳаммад Али, Рауф Парфилар томонидан ўзбек тилиға таржима қилинган бўлса, Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” асарининг Мичиган университети тадқиқотчиси Кристофер Форт томонидан инглиз тилиға таржима қилинганлиги бизнинг ўзбек адабиётимизнинг жаҳонға танилишида янада улкан хисса қўшиши табиийдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Дилмурод Қуроноф. Чўлпон насри поэтикаси.- Тошкент: Шарқ, 2004.-Б.3.
2. Каримов Баҳодир. Рухият алифбоси.- Тошкент: Ғ.Ғулом нашриёти, 2018.-Б 167.
3. Тўлаганова С. Ижодкор шахси ва адабиёт қаҳрамони муаммоси. (Абдулла Қодирий ижоди мисолида): Филол. фан. д-ри... дис. автореф. – Тошкент, 2019. – 14 б.



4. Чўлпон. Яна олдим созимни. -Тошкент: Чўлпон, 1991.
5. Byron. G. Childe Harold's Pilgrimage. Conkey company.Chikago.1900. Canto 1.pp 33-34.

Умарова М. Отрожение творческого «Я» в поэзии Байрона и Чулпана. В статье анализируется выражение творческого «Я» главного героя на примере лирики западных и восточных поэтов. Проблема творческой личности и героя изучается в сопоставительном контексте в лирике великого английского поэта Джорджа Байрона и представителя узбекской джадидской литературы Абдулхамда Чулпана.

Umarova M. Reflection of the creative “ego” in Bayron and Chulpon’s poetry. The article analyzes the expression of the creative “ego” in the literature of the protagonist using the lyrics of Western and Eastern poets as an example. We study the problem of the creative personality and hero in the lyrics of the great English poet George Byron and the representative of the Uzbek Jadid literature Abdulhamd Chulpan in a comparative context.